

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ХУКУК

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## Парламент хабарлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалар кўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг кўшма мажлисида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя килиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунинг ижро этилишини ўрганиши натижалари кўриб чиқилди.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоядта 29 548 нафар ногирон ҳисобга олинган бўлиб, шуларнинг 5 293 нафарини 16 ёшга тўлмаган болалар, 10 202 нафарини болаликдан ногирон, 16 ёшдан ошганлар ташкил этади. Вилоят ижтимоий таъминот органларида 658 нафар уруш ногирони ва уларга тенглаштирилганлар, 124 нафар Афон уруши ногирони, 180 нафар Чернобиль АЭСда юз берган ҳалокат ногирони, 682 нафар ёлғиз ва қаровчисиз қолган ногирон ҳисобда туради.

«Ижтимоий ҳимоя йили» вилоят дастурига мувофиқ 2007 йил мобайнида сарфиёти 19 миллиард сўмлиқдан ортиқ тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган. Ногиронларни касбий қайта тиклаш ва ишга жойлаштириш юзасидан событқадам иш олиб борилмоқда, уларга ногиронлар аравачалари, эшлиши аппаратлари, компьютерлар, дори-дармонлар ажратилди, шунингдек бепул тиш протезлари ва кўз қорақивлари кўйиб берилид.

Ногиронликнинг олдини олиш, тибий, профессионал ва ижтимоий тиклаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоядта ногиронлар сони камайиб бормоқда.

Масалани биргаликда муҳокама қилиш асносида сенаторлар, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг депутатлари, мутахассислар ва ижтимоий соҳа ходимлари томонидан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини янада оширишга, амалдаги норматив-хукукий хужжатларни давр талабарини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга қартилган қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди:

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси лойиҳаси концепциясини кўриб чиқдилар. Депутатлар 2008 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози барқарор ва балансли ўсиш суръатларини, иқтисодиётга тузилмавий ўзарашлар киришиш ва уни модернизациялаш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини техника ва технология жиҳатидан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бизнес, чет эл инвестицияларини ҳар томонлама жалб этиш учун имкон қадар мақбул шарт-шароитлар яратишни таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганинг таъкидладилар. Айни бир вақтда фуқаролар даромадларини изчили ривожлантириб боришни, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида хизматлар кўрсатиш сифатини янада оширишни, шунингдек аҳолининг кам таъминланган қатламлари ижтимоий ҳимоясини таъминлашни назарда тутиву давлат жаҳратларининг ижтимоий ўйналирларига сақлаб қолинган.

Конунчиллик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги янги Солиқ кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида солиқлар ва йигимлар сонини камайтириш, солиқ базаларини ва айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш қоидаларини, шунингдек уларни тўлаш тартибини имкон қадар бирхиллаштириш, солиқ имтиёзларини тартибга солиш, солиқ солишининг аниқ, амалда синовдан ўтган ва халқаро нормаларга мос келадиган принципларини ишлаб чиқиши хисобга мамлакатимизнинг солиқка доир қонун хужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Хужжатнинг муҳокамаси чоғида баён этилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар янги Солиқ кодекси лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, биринчи ўқиша қабул қилдилар.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 13 ноябрядан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати (белгилади):\*

	1 Австралия доллари	1188,20	1 Малайзия рингити	384,53
	1 Англия фунт стерлинги	2686,75	1 Польша злотийси	514,60
	1 Дания кронаси	251,23	1 СДР	2026,76
1 БАА дирҳами	349,44	1 Туркия лираси	1086,65	
1 АҚШ доллари	1283,01	1 Швейцария франки	1125,84	
1 Миср фунти	234,41	1 ЕВРО	1871,78	
1 Исландия кронаси	21,76	10 Жанубий Корея вони	14,15	
1 Канада доллари	1385,09	10 Япония иенаси	112,86	
1 Хитой юани	172,47	1 Россия рубли	52,17	
		1 Украина гривнаси	254,06	

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### МДХ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	14.11.2007	1	0,8481	1	1,2432	1	0,0346
Арманистон	14.11.2007	1	319,78	1	467,10	1	13,04
Беларусь	15.11.2007	1	2152,00	1	3156,23	1	87,87
Грузия	15.11.2007	1	1,6225	1	2,3763	1	0,0662
Козогистон	15.11.2007	1	120,64	1	176,73	1	4,93
Латвия	15.11.2007	1	0,479	1	0,702804	1	0,0196
Литва	15.11.2007	1	2,3561	1	3,4528	10	9,62
Молдавия	14.11.2007	1	11,3286	1	16,5335	1	0,4615
Тоҷикистон	15.11.2007	1	3,447	1	5,035	10	1,4074
Ўзбекистон	13.11.2007	1	1283,01	1	1871,78	1	52,17
Украина	14.11.2007	100	505,00	100	737,6535	10	2,0588
Эстония	14.11.2007	1	10,657	1	15,6466	1	0,435655

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Халқаро ҳамкорлик марказида 13 ноября куни Савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорлик ҳамда экспорт кредитлари масалалари бўйича Ўзбекистон-Италия ҳукуматлараро ишчи гурухининг учинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Италия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончи ҳамкорларидан. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йили Италияга расмий ташрифи олий даражадаги икки томонлама сиёсий мулокотларни бошлаб берди. 1997 йили Тошкентда, 2000 йили Римда Ўзбекистон-Италия саммитлари бўлиб ўтди. Парламент, турли вазирилар ва идоралар раҳбарларининг ташрифлари бўлди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиқларни тўлашдан бош тортини бартараф қилишга, автомобиль транспортида ҳалқаро юк ва йўловчи ташини ўзаро тартибга солишга, транспорт соҳасидаги ҳамкорликка оид битимлар имзоланган. Ўзбекистон билан Италия ўртасида савдо савдо-саноат палаталари, банк-молия муассасалари алоқаларини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинган.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириши борасида икки мамлакатнинг ҳам имкониятлари катта. 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 ноября куни Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазириларни шакллантириш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, япон технологиялари ва ноу-хауарларни жалб этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда банк-молия тизими ривожлантириш, энергетика, фойдалари қазилмаларни қидириб топши ва ўзлаштириш, транспорт, логистика ва ҳалқаро сайделик соҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалаларига багишланади.

Юримизда япониялик шериклар билан ҳамкорликда тузилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатади. Кунчикар мамлакатнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташки савдо ташкилотининг (JETRO), «Mitsui», «Mitsubishi», «Sumitomo», «Marubeni», «Itochu», «Toyota Tsusho», «Kintetsu Eurasia Express», «Sojitz» каби йигирмадан зиёд йирик корпорациянинг ваколатхонаси очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида сармоя

### АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

2007 йил 13 ноября ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиши	харид	сотиши
ЎЗР ТИФ МБ	1291,00			





# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## ҚАРЗДОРЛАРДАН ЙИФИМ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

2007 йил 1 ноябрда Президентнинг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-722-сон қарори қабул қилинди ("Норма маслаҳатчи"да чоп этилади).

Хужжат билан Суд департаментининг моддий-техника жиҳатидан базасини мустаҳкамлаш бўйича 2007—2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури; Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини (ЯАКТ) яратиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастури; Суд департаментида ахборотни йигиш ва қайта ишлашнинг ташкилий-функционал схемаси; Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини яратишга кетадиган прогноз харажатлари тасдиқланди.

2007 йил 1 декабрдан бошлаб суд ижро чилари томонидан қарздордан ихтиёрий ижро этиш мuddати тугаганидан кейин ундириладиган суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳараратларнинг бажарилиши учун ижро йигими жорий этилмокда. Йигим миқдори ва уни ундириш тартиби мазкур қарор билан тасдиқланган **Ижро йигимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида низом** билан белгиланган. Чунончи, мулкий характердаги ижро хужжатлари бўйича ижро йигими жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи миқдорида, юридик шахсдан эса 2 фоизи миқдорида ундирилади. Номулкий характердаги ижро хужжатлари бўйича эса йигим жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан - 10 баравари миқдорида ундирилади.

Ижро йигими маблағлари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига ўтказилиди ва Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Суд департаментида ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш учун олиб кириладиган жиҳозлар ва дастурий таъминот божхона тўловлари тўлашдан (бож-

хона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) озод этилди.

Қарор билан Президентнинг ва республика ҳукуматининг баъзи қарорларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН

Кишилк ва сув ҳужалиги вазирлигининг сув ҳужалиги ташкилотлари истеъмол қиласидан электр энергияси учун тўловларнинг ўз вақтида тўланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2007 йил 5 ноябрдаги "Сув ҳужалиги ташкилотлари истеъмол қиласидан электр ҳараратириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-726-сон қарори билан ("Норма маслаҳатчи"да чоп этилади) 2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисобкитоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси ҳам тасдиқланди.

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Давлат бюджетининг қишилк ва сув ҳужалиги вазирлиги учун назарда тутиладиган ҳараратларида сув ҳужалиги ташкилотлари истеъмол қиласидан электр энергияси тўловлари учун алоҳида сатр билан маблағ ажратишни назарда тутадиган тартиб жорий этилди. Сув ҳужалиги ташкилоти билан энергия таъминоти ташкилоти ўртасида рўйхатга олинган ҳараратлар сметаси доирасида тузилган шартномалар эса Молия вазирлиги Фазначилигининг худудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Молия вазирлигининг Назораттафтиш бош бошқармаси зиммасига электр энергияси учун тўланган суммаларнинг асослилигини мунтазам равишда ёппасига ва танлаб текширишларни ўтказиши вазифаси юкланди.

## ФЕРМЕРЛАР УЧУН ИМТИЁЗ УЗАЙТИРИЛДИ

Президентнинг 2007 йил 5 ноябрдаги "Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёjlари учун қишилк ҳужалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳужаликларини кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-725-сон қарорига мувофиқ ("Норма маслаҳатчи"да чоп этилади) 2008 йил 1 январдан бошлаб фермер ҳужаликларига қишилк ҳужалиги техникасини имтиёзли асосда лизингга бериш мuddати 7 йилдан 10 йилгача узайтирилди. Қарор билан

шунингдек 2008 йилдан бошлаб Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёjlари учун қишилк ҳужалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер ҳужаликларини молиявий кўллаб-куватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш назарда тутиладиган тартиб ўрнатилди.

## БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Президентнинг 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПК-726-сон қарори билан ("Норма маслаҳатчи"да чоп этилади) 2007—2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек бўш пул маблағларини банк айланмасига янада жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисобкитоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплекси ҳам тасдиқланди.

2008 йилнинг 1 январидан бошлаб янги ташкил этилаётган банклар устав капиталининг энг кам миқдори белгиланди. Чунончи, тижорат банклари учун мазкур миқдор сўм эквивалентида 5 млн евро, хусусий банклар учун - 2,5 млн евро этиб белгиланди.

Банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган тижорат банкларига қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция маслаҳатчиси сифатида професионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда тижорат банклари томонидан мазкур фаолият турларини амалга оширишга алоҳида лицензия олиш талаб қилинмайди.

Қарор билан 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб 3 йил мuddатга: солиқ солищдан - юридик шахсларнинг тижорат банклари депозитларига ва қарз қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ мuddатга жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлари, Республика инкассация бирлашмаси эса — бўшайдиган маблағларни инкассация хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш шарти билан кўшилган қиймат солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилди.

## ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қўшма қарори билан Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 ноября 1736-сон билан рўйхатдан ўтказилди, "Норма маслаҳатчи"да чоп этилади). Мазкур йўриқнома Президентнинг 2007 йил 23 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3931-сон Фармонининг чоп этилиши муносабати билан тасдиқланди.

**2007 йил 16 ноябрядан кучга кирди.**

## МИКРОКРЕДИТ БЕРИШДАГИ ЎЗГАРТИШЛАР

Марказий банк бошқаруви ва Молия вазирлигининг қарори билан Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташкири жамғармалар ва «Микрокредит-банк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериси тартиби тўғрисида низомга ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 ноября 1548-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди).

Уларга кўра бюджетдан ташкири жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан ишлаб чиқариши кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун бериладиган микрокредитларни олишда бошқа кичик бизнес субъектлари билан бир қаторда қишилк жойларида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари ҳам устуворликка эга бўладилар. Энди ажратилаётган кредит маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги ташкил этилаётган корхоналарни факат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилди.

Бюджетдан ташкири жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан ишлаб чиқариши кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш мақсадлари учун бериладиган микрокредитларни олишда бошқа кичик бизнес субъектлари билан бир қаторда қишилк жойларида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари ҳам устуворликка эга бўладилар. Энди ажратилаётган кредит маблағлари хизмат кўрсатиш соҳасидаги янги ташкил этилаётган корхоналарни факат технологик жиҳозлаш мақсадларига йўналтирилди.

**Меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007 йил 3 ноябрядан 9 ноябргача бўлган давр учун "Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами"нинг 45-сони асосида тайёрланди.**

Мазкур ва бошқа хужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.porma.uz](http://www.porma.uz) сайтидаги эркин кириладиган "Конунчиликдаги янгиликлар" рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

## ҲУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 25 октябрдаги 904-аф-сонли бўйргуга асосан МЧЖ шаклидаги «AUDITOR. ADVISER ASSISTANT» аудиторлик фирмасига 2003 йил 24 декабря берилган 00552-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 25 октябрян тутатилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 22 октябрдаги 903-аф-сонли бўйргуга асосан МЧЖ шаклидаги «TENGLIK AUDIT» аудиторлик ташкилотига 2004 йил 11 майда берилган 00584-сонли лицензиянинг амал қилиши 2007 йилнинг 22 октябрян тутатилди.

**С.БЕКЕНОВ,**  
молия вазири ўринбосари.

## РЕКЛАМА

Ўйлаб кўринг, нима сабабдан ҳатто қонунларнинг компютер базасига эга бўхгалтерлар ҳам хато ўтказадилар?

**Бухгалтерияни юритишнинг 2 хил усули бор**

1. Қонунларни ўзи ўқишига уларни бехато шарҳлашга уриниш  
2. Буни бизнинг аудиторлар ва юристларга юклид, уларнинг тавсияларини оддийгина бажариш

**Конунлар матнларини ўқиши осон уларни бехато кўллаш қийинроқ.**  
"Бератор Гроссбух" ташкилотнинг бутун фаолиятини тўла қамраб олувчи 800 хил вазият (коидалар, проводкалар, ҳисоблаб ёзишлар, мисоллар ва қонунларга ҳаволалар)  
"Бухгалтерия" нархи 90 минг сўм, "Солиқ солиши" 90 минг сўм + 12 ой янгилаш = 117 минг сўм (шунингдек ўзбек тилида ва СДда).

Нашр Ўзбекистон Аудиторлар палатаси томонидан кўллаб-куватланди ва кўллашга тавсия этилди

Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Фан" нашриёти "Академпресса" тел.: 142-05-42, 142-14-10. Вилоятларга етказиб бериш



# ЎЗБЕНИСТОН ЖОНУНЧИЛИГИДАГИ ЙИҒИЛМИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

- «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»;
- «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида»;
- «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғараси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»;
- «Хосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қарори;
- ЎзР молия вазирининг «Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруги.

- **МЕЬЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 27 ОКТАБРДАН 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ, ҚУРИШ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 25 ОКТАБРДАГИ ПҚ-499-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 44-сон, 441-модда)

Республика йўл фондига йигимлар тўлаш бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш ҳамда тўловлардан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл фонди даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 36-банди иккинчи хатбоши қуйидаги таҳrirда баён этилсин:

«ишлаб чиқарувчи завод томонидан кўлда бошқаришга мослаштирилган енгил автомобиль ва/ёки мотоколяска сотиб оладиган барча гуруҳ ногиронлари».

2. Белгилансинки, киритилаётган ўзгартиш 2007 йилнинг 1 ноябридан кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазири Ш.М.Мирзиёев зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 22 октябрь  
ПҚ-714-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ВА ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯЛАРИ УЮШМАСИНИ ТУГАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 44-сон, 442-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш тўғрисида» 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3930-сон Фармонини бажариш юзасидан:

1. Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасининг тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

барча турдаги транспортлар — темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортининг транспорт тузилмалари фаолиятини мақбуллаштиришга йўналтирилган ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштириш, республика ҳудудида ва унинг ташқарисида юк ҳамда йўловчилар ташиш самардорлигини ва оқилона ташкил этилишини таъминлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг ҳавода ҳамда ерда юк ва йўловчилар ташишга бўлган доимий равишда ортиб бораётган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда Ягона ўзаро боғлик республика транспорт тизимини ис-

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ  
ОРГТЕХНИКА

T&T

171-00-57, 142-65-50

www.texnika.uz

info@texnika.uz

тиқболли ривожлантиришнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш; транспорт тармоқларини ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал равишда куриш, уларнинг транспорт воситаларини ўтказиш қувватини ошириш ва самарали фойдаланишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

республика транспорт тизими фаолият кўрсатишининг барқарорлиги ва хавфсизлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш билан боғлик ишларни мувофиқлаштириш учун 1-иловага\* мувофиқ таркибда тугатиш Комиссияси тузилсин.

Тугатиш комиссияси (Ханов):

Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини тугатиш билан боғлик чора-тадбирлар комплексини қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширсин;

тугатиш жараёнида Уюшма мол-мулкининг сақланишини ва улардан мақсадли фойдаланишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси би-

лан биргалиқда Уюшма мол-мулкининг сотилишини, кейинчалик кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган маблағларнинг Уюшма муассисларига уларнинг кўшган бадалларига мутаносиб равишда қайтарилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 16 «а» уй манзилида жойлашган бино Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Бинолардан фойдаланиш дирекцияси балансига бепул ўтказилади, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 декабрдаги 579-ф-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси балансидаги майдонлар бундан мустасно.

Белгилансинки, балансга ўтказилаётган бино қиймати кўшилган қиймат солиги ва даромад (фойда) солигини хисоблашда солик солиш объекти хисобланмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига 2-иловага\*\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин ва баъзилари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

\*1-илова берилмайди.

\*\*2-илова чоп этилмайди. Унинг матни билан  
«Norma» АХТда танишиш мумкин.

Тошкент ш.,  
2007 йил 24 октябрь  
ПҚ-715-сон.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2007 йил, 44-сон, 445-модда)

#### 1. Куйидагилар:

Россия Федерациясидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган мигрант ишчилар ва Ўзбекистон Республикасидаги Россия Федерацияси фуқаролари бўлган мигрант ишчиларнинг меҳнат фаолияти ва уларнинг хуқуqlарини ҳимоя қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Россия Федерацияси Хукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган Битим;

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Россия Федерацияси Хукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган ноқонуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Россия Федерацияси Хукумати ўртасида 2007 йил 4 июлда Тошкент шаҳрида имзоланган реадмиссия ҳақидаги Битим тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Хукумати ҳамда Россия Федерацияси Хукумати ўртасида реадмиссия тўғрисидаги

Битимни амалга ошириш учун ваколатли органлар этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарлари мазкур халқаро шартномалар кучга киргандан сўнг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь  
ПҚ-719-сон.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУФОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2007 йил, 44-сон, 444-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда мелиорация ишларини молиялаштиришнинг принципиал янги механизмини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти ташкил этилсин.

Куйидагилар:  
бошқарув ходимларининг чекланган сони 60 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузу-

ридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгашининг таркиби 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирига зарур ҳолларда ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти тузилмасига ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсан.

2. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментига:

Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштирилаётган, лойиха-қурилиш хужжатлари тегишли равишда экспертиздан ўтказилмасдан амалга оширилаётган ёки Жамғарма маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда ҳар қандай ишларни тўхтатиб кўйиш;

магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларда амалга оширилаётган реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назорат олиб бориш;

бажарилган ишлар ҳажмини назорат тартибда мунта-

\*2-илова берилмайди.

зам асосда ўлчаш, шунингдек Жамғарманинг мелиоратив ишларни амалга ошириш учун ажратилган маблағларидан мақсадли фойдаланилишини хужжатлар асосида текшириш ва тафтишлар ўтказиш хукуки берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти Тошкент шаҳар, X.Сулаймонова кўчаси, 29-йуга жойлаштирилсан.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаментини хукumat алоқаси ва шаҳар алоқаси воситалари билан таъминлансан.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва кўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь  
ПҚ-718-сон.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгashi

Департамент директори

Директор ўринbosари

Дастурларни шакллантириш, лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиздан ўтказиш бўлими  
10 киши

Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўлими  
4 киши

Мелиорация ишларини техник кузатиш бўлими  
20 киши

Даромадларни прогноз қилиш ва мелиорация ишлари дастурларини молиялаштириш бўлими  
3 киши

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш инспекцияси  
15 киши

Ходимларнинг умумий сони  
шу жумладан бошқарув ходимлари

Бухгалтерия ҳисоби бўлими  
3 киши

Кадрлар ва маҳсус ишлар бўлими  
2 киши

Юридик маслаҳатчи  
1 киши

— 62 киши  
— 60 киши

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ  
МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ТҮҒРИСИДА  
НИЗОМ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони билан ташкил этилган ҳамда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва мелиоратив техникани сотиб олишга ажратиладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ушбу низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Сугориладиган ерларни мелиоратив жиҳатдан яхшилаш дастурлари (лойиҳалари)ни ҳамда мелиоратив объектларнинг зарур даражадаги техник ҳолатини таъминлашга йўналтирилган тадбирларни, молиялаштириш, шунингдек мелиоратив техникани сотиб олиш учун маблағларни жамлаш ва улардан самарали фойдаланиш жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

4. Қуйидагилар Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Давлат бюджетига тушадиган маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

маҳаллий ва хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.

5. Жамғарма маблағларидан фақат қуйидаги мақсадларга:

магистрал (вилоятлараро) туманлараро ва ҳўжаликларо очиқ коллекторлар, вертикал дренаж кудуклар, мелиоратив насос станциялари ва кузатиш тармоқларини куриш, реконструкция, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида ёпиқ горизонталь дренаж шохобчаларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга;

ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурига киритиладиган лойиҳаларнинг амалга ошириш билан боғлик бўлган лойиҳа-қидирав ҳужжатларини ишлаб чиқиша ихтисослаштирилган курилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиорация техникаси саройини яхшилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узок муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига;

сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурларида назарда тутилган бошқа

ишларга йўналтирилган ҳолда фойдаланилади.

6. Жамғарманинг юридик манзили: Тошкент шаҳар, X.Сулаймонова кўчаси, 29.

**II. ЖАМҒАРМАНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ  
ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

7. Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансан:

бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварагида жамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узок муддатли ва ўрта муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ, мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва ҳўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукаммал таъмирлаш ва тикаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;

мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув ҳўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш.

8. Жамғарма ўз зиммасига юкланган вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги функцияларни бажаради:

консолидация қилинган Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун даромадлар ва харажатларнинг ҳар йилги баланслари лойиҳаларини ишлаб чиқади, белгиланган тартибида ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

ҳар бир чоракка тақсимлаган ҳолда келгуси йил учун Жамғарма бўйича харажатларнинг тасдиқланган параметрларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларидаги етказади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Жамғармага тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш ишларини амалга оширади;

мелиоратив объектларни куриш ва реконструкция қилиш учун лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳаларини, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш юзасидан техник топширикларни беради ва

тасдиқлайди;

мелиоратив объектларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш бўйича лойиҳалаш ва тендер ҳужжатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, лойиҳалаш-қидириш ва илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш бўйича аниқ манзилли рўйхатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

мелиоратив экспедициялар тақдимиға кўра мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари дастурларини ва харажатлар сметаларини тасдиқлайди;

мелиоратив экспедициялар тақдимиға кўра мелиоратив объектларда авария-тиклаш ишларига захира харажатлари сметаларини тасдиқлайди;

мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишида белгиланган тартибда қатнашади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистрал (вилоятлараро) мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари, шунингдек мелиорация техникаси сотиб олиш бўйича буюртмачи вазифасини бажаради;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш, лойиҳа-қидирив ишларини амалга ошириш бўйича мелиоратив экспедициялар томонидан буюртмачи функциялари бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

мелиоратив объектларни, магистрал (вилоятлараро) ва туманлараро коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш, мелиорация техникасини сотиб олиш юзасидан тендер (танлов) савдоларини белгиланган тартибда ўтказади, танлов савдолари ғолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузади;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларда таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича ҳудудий мелиоратив экспедициялар томонидан ташкил этиладиган тендер (танлов) савдоларида белгиланган тартибда қатнашади;

мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш ва тиклаш, мелиорация техникаси сотиб олиш устидан молиявий назоратни амалга оширади;

магистрал (вилоятлараро) мелиоратив объектларда реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек уларнинг белгиланган тартибда қабул қилиб олинишини таъминлайди;

туманлараро ва хўжаликлараро мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш, шунингдек уларни қабул қилиб олиш ишлари устидан техник назоратни амалга оширишда қатнашади;

Жамғарма маблағларининг мақсадли ва сарфланиши устидан белгиланган тартибда назоратни амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши масалалари бўйича ташкилотлар ва корхоналар фаолиятини назорат ўлчовларини, шунингдек ҳужжатли текшириш ва тафтишларни мунтазам асосда амалга оширади;

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича текширишларда аниқланган қонун бузилишлари ва камчиликларини бартараф этиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли санкцияларни ўрнатилган тартибда белгилаш бўйича тартиблар киритади;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича норматив-ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва тегишли органларга тасдиқлаш учун киритади;

аниқ манзилли рўйхатларга киритилган мелиоратив объектларда бажарилған ишларни белгиланган тартибда молиялаштиради.

### III. ЖАМҒАРМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:  
бажарилган мелиоратив ишларни назорат тартибida ўлчашни ва бошқа текширишларни ўтказиш учун тегишли вазирликлар ва идораларни, ваколатли банклар, ташкилотлар, корхоналар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;  
куйидагилардан:

Давлат солик қўмитасидан — ҳисобланган ажратмалар ва уларнинг тушиши тўғрисидаги маълумотларни;  
хизмат кўрсатувчи банклардан — Жамғарма маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ва унинг бўлинмаларидан — Жамғарма маблағларидан фойдаланиши бўйича йиллик бухгалтерия ва статистик ҳисботни сўраш ва олиш;

loyiҳa-курилиш ҳужжатларини тегишли экспертизадан ўтказмасдан Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ҳар қандай ишларни ёки Жамғарма маблағларидан белгиланмаган мақсадда фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда тўхтатиб қўйиш.

Жамғарма қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юкланган функцияларни амалга ошириш доирасида бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

10. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари (войиҳалари)нинг оқилона шакллантирилишини таъминлаш;

Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли ва самарали фойдаланишишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси билан биргаликда Жамғарма даромадлари прогнози бажарилишининг аҳволини таҳлил қилиш ва даромадларнинг нормал тушишига салбий таъсир қилган аниқланган омиллар асосида уларни бартараф этиш бўйича биргаликда чоралар қўриш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мелиоратив объектларнинг зарур даражадаги техник ҳолатини таъминлашда ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда кўмаклашиш.

### IV. ЖАМҒАРМАНИ БОШҚАРИШ КЕНГАШИ

11. Жамғарма Кенгаши Жамғарманинг юқори органи ҳисобланади. Жамғарма Кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

12. Жамғарма Кенгаши:

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;

Жамғарманинг ижро этувчи органи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг белгиланган тартибда тасдиқланган сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари (войиҳалари)дан келиб чиқиб, Жамғарма маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишлар тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади, қарорлар қабул қиласи ва уларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Жамғарманинг ижро этувчи органи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги,

Давлат солиқ қўмитаси ва «Давархитёткурилиш» қўмитаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг мелиорация экспедициялари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури амалга оширилиши учун ажратилган Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг даромадлари ва харажатларини шакллантириш тартибини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари ижроси, шунингдек Жамғарма томонидан буюртмачи функциялари бажарилиши, мелиоратив объектларни лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш устидан молиявий назоратни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### V. ЖАМҒАРМАНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

13. Жамғармани бошқариш департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади. Департаментнинг ташкилий тузилмаси ва штатдаги ходимлар сони қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

Департаментнинг таъминоти Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси асосида Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Департамент юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, хизмат кўрсатувчи банкда ҳисобрақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр ва бланкларга эга бўлади.

14. Департамент Жамғарманинг даромадлари ва ха-

ражатлари ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботини тузади ва Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

15. Департаментга молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ҳамда моддий таъминоти, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазир ўринbosарига тенглаштириладиган директор бошлилик қиласи.

#### 16. Департамент директори:

Жамғармага юклangan вазифалар ва функцияларга мувофиқ Департамент фаолиятининг зарур даражада ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради.

Жамғарманинг маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши масалалари бўйича назорат тартибидаги ўлчашларни ўтказиш, шунингдек ташкилотлар ва корхоналар фаолиятини ҳужжатлар асосида текшириш ва тафтиш қилиш тўғрисида қарор қабул қиласи, уларнинг натижаларини қўриб чиқади, улар асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қиласи ва зарур чоралар қўради;

белгиланган тартибда тасдиқланган лимитлар доирасида Департаментнинг штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлади;

Жамғарма маблағларини тўплаш ва сарфлаш масалаларига оид тушунтиришлар беради, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАРОРИ

### ҲОСИЛДОРЛИГИ ПАСТ БЎЛГАН ЕРЛАРДА ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРУВЧИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 45-сон, 453-модда)

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиги бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсинг.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда иккى ой муддатда куйидагиларни назарда тутган ҳолда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида низом ишлаб чиқсин

ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин: ҳосилдорлиги паст бўлган ерларни белгилашнинг аниқ мезонлари ва механизми;

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тартиби;

ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан амалий назорат тизими.

3. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб фермер хўжаликлига қишлоқ хўжалиги техникасини имтиёзли асосда лизингга бериш муддати 7 йилдан 10 йилгacha узайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфатдор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зими масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 ноябрь  
ПҚ-725-сон.

\*Ушбу қарор «Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 6 ноябрдаги сонида эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ,  
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ  
ПФ-3889-СОНЛИ «2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ,  
ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИИ  
ОШИРИШ ТҮГРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БҮЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ  
ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
29 октябрда 1699-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 44-сон, 447-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрдаги ПФ-3921-сонли «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтириш борасидаги чоратадбирлар түгрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиласиз:

1. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37 ва 74-сонли, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, сти-

пендилялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш түгрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби түгрисидаги йўриқнома»га (2007 йил 23 июль, рўйхат рақами 1699 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 29-30-сон, 314-модда) иловага мувофиқ ўзгартиш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.  
А.ХАИТОВ.  
M-42-сон**

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.  
97-сон**

Тошкент ш., 2007 йил 26 октябрь.

\*2007 йил 8 ноябрдан кучга киради.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва  
Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги  
M-42, 97-сонли қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ ПФ-3889-СОНЛИ  
«2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ  
НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИИ ОШИРИШ ТҮГРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БҮЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА  
ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«2. 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (15525 сўм x 8 = 124200 сўм).»

2. 6-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«2007 йилнинг 1 октябридан янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (124200 сўм).»

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ**  
**АКТУАРИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ  
НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
10 октябрда 1725-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 423-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари түгрисида»ги ПК-618-сонли қарорини бажариш (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 143-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги түгрисидаги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Хукумат қарорлари тўплами, 1992 йил, 11-

сон, 37-модда) буюраман:

1. Актуарий малака сертификатини бериш тартиби түгрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 сентябрь  
82-сон.

\*2007 йил 20 октябрдан кучга киради.

## АКТУАРИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари түгрисида»ги 2007 йил 10 апрелдаги ПК-618-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 143-модда) актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Актуарий малака сертификати — жисмоний шахсга, агар у актуар ташкилот штатида бўлса ёки у билан актуар ташкилот ўртасида фуқаролик-хукуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, актуар хизматларини кўрсатиш хукуқини берувчи хужжат.

2. Актуарий малака сертификати даъвогар томонидан малака имтиҳони муваффақиятли топширилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилади. Малака имтиҳонини топширишга мазкур Низом билан белгиланган малака талабларига жавоб берадиган даъвогарлар кўйилади.

3. Актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш учун, шунингдек унинг дубликатини бериш учун даъвогар мазкур Низомда белгиланган микдорларда йиғим тўлайди.

Кўрсатилган маблағлар Молия вазирлигининг маҳсус ҳисобрақамига ўтказилади ва малака имтиҳонларини ўтказиш, актуарий малака сертификатларини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

### II. МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

4. Актуарий малака сертификатини олиш учун даъвогар куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ олий маълумот йўналишлари ва ихтисосликларидан бири бўйича Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг олий таълим муассасаларида олинган ҳамда қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиш ёхуд Ўзбекистон Республикасида ёки хорижий давлатларда (қонун хужжатларига мувофиқ нострификациядан ўтган тақдирда) олинган физика-математика ёки иқтисодиёт фанлари доктори (номзоди) илмий дараҷасига эга бўлиш;

б) сўнгги ўн йил ичидаги камида 5 йил суғурта, математика, статистика, информатизация соҳаларида иш амалиёти (шу жумладан ўриндошлиқ асосида) ёки шу соҳаларда дарс бериш стажига эга бўлиш.

### III. АКТУАРИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР

5. Актуарий малака сертификатини олишга даъвогар Молия вазирлигига мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш түгрисидаги аризани куйидаги хужжатларни иловава қилган ҳолда топширади:

а) мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ тўлдирилган анкета;

б) олий маълумот түгрисидаги диплом ёхуд физика-математика, иқтисодиёт фанлари доктори ёки номзоди

илмий даражасини олганлик түгрисидаги дипломнинг хужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси, ёхуд олий маълумот ёки илмий даражада түгрисидаги хорижий хужжатнинг эквивалентлигини тан олиш түгрисидаги ваколатли давлат органи гувоҳномасининг хужжатни берган муассаса томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ёки нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси (хорижий таълим муассасаларида олинган олий маълумот ёки илмий даражада түгрисидаги диплом мавжуд бўлган тақдирда);

в) меҳнат дафтарчасидан нотариал тасдиқланган кўчирма (ўриндошлиқ бўйича иш стажи мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақида меҳнат дафтарчасига қайд қилинган ҳолда);

г) тўртта фотосурат (3 x 4);

д) актуарий малака сертификатини бериш учун тегишли йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов хужжати.

Кўрсатилган хужжатлар битта нусхадан тақдим қилинади.

### IV. МАЛАКА ИМТИҲОННИ ТОПШИРИШГА РУХСАТ БЕРИШ ЁКИ РУХСАТ БЕРИШНИ РАД ЭТИШ ТҮГРИСИДАГИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6. Молия вазирлиги ариза келиб тушган кундан бошлаб 10 кунлик муддатда даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рухсат беришни рад этиш түгрисида қарор қабул қиласи. Рад этиш түгрисида қарор қабул қилинган тақдирда Молия вазирлиги даъвогарни 3 кунлик муддатда рад этиш учун асосларни кўрсатган ҳолда қабул қилинган қарор түгрисида ёзма равишда хабардор қиласи.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш түгрисидаги қарор қабул қилинганда Молия вазирлиги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган даъвогарларнинг рўйхатларини имтиҳон комиссиясига топширади.

7. Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган даъвогарлар малака имтиҳонини ўтказиш санаси, вақти ва жойи түгрисида у ўтказилишидан камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қиласи.

8. Молия вазирлиги даъвогар томонидан тегишлича расмийлаштирилмаган хужжатлар тақдим қилиниши, шунингдек, даъвогарнинг мазкур Низомнинг 4-бандида баён этилган малака талабларига мувофиқ келмаслиги сабабига кўра даъвогарга малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этишга ҳақлидир.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган даъвогар, Молия вазирлиги томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этгандан кейингина, ариза билан қайта мурожаат қилиши мумкин.

### V. ИМТИҲОН КОМИССИЯСИ

9. Малака имтиҳонларини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан имтиҳон комиссияси ташкил қилинади. Имтиҳон комиссияси раис, раис ўринбосари, котиб ва камида уч аъзодан иборат.

Имтиҳон комиссияси таркибида Молия вазирлиги ходимлари ва заруратга кўра актуар ҳисоб-китоблар ва суғурта соҳаларида мутахассислар киритилади.

10. Имтиҳон комиссияси түгрисидаги низом, унинг шахсий таркиби ва иш регламенти Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси учдан икки қисми иштирок этган

таркибда ва раис ёки раис ўринбосарининг мажбурий иштирокида малака имтиҳонини ўтказишга ҳақлидир.

11. Имтиҳон комиссияси иши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома имтиҳон комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва барча аъзолар томонидан имзоланади.

## **VI. МАЛАКА ИМТИҲОНИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

12. Даъвогарлар паспорт ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда малака имтиҳонини топшириш учун рухсат берилади. Ёнида паспорт ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат бўлмаган ёки малака имтиҳонига кечиккан даъвогарлар имтиҳонга келмаган ҳисобланади ва навбатдаги малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган шахслар рўйхатига киритилади.

13. Малака имтиҳони камида уч кишидан иборат гурӯнинг шаклланишига кўра, лекин камида уч ойда бир марта ўтказилади. Малака имтиҳонини ўтказиш санаси Молия вазирлиги белгилайди.

14. Малака имтиҳони икки босқичда ўтказилади:  
тест синови (3 академик соат давомида ёзма шаклда). Унинг натижасига кўра даъвогарга ёзма-офзаки имтиҳони топшириш учун рухсат берилади;

имтиҳон билетлари бўйича ёзма-офзаки имтиҳон (масалаларни ечиш ва оғзаки жавобга тайёрланиш учун 3 академик соат берилади).

Малака имтиҳонининг иккала босқичини бир кун давомида ўтказишга ижозат берилмайди.

15. Тест ва имтиҳон билетлари Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси раисининг имзоси қўйилмаган тест бланклари ва имтиҳон билетлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Тестлар ва имтиҳон билетлари мазмuni қонун ҳужжатлariiga киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

16. Малака имтиҳонини ўтказишга ажратилган вақт ичida даъвогарлар имтиҳон комиссиясига тест, имтиҳон билетлари ва жавобларни топширишлари шарт. Ушбу талабларни бузган даъвогарлар малака имтиҳонини топширулмаган ҳисобланади.

17. Имтиҳон тестлари қўйидаги таълим йўналишлари бўйича 40 назарий саволлардан иборат:

- а) актуар математика (10 савол);
- б) статистика ва эҳтимоллар назарияси (10 савол);
- в) суғурта иши ва таваккалчилик назарияси (10 савол);
- г) инвестиция фаолияти ва молияни бошқариш (10 савол).

Хар битта тўғри жавоб учун бир балл берилади.

Тест синовлари натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўладиган тўплланган баллар йиғиндиси 30 дан кам бўлмаслиги керак.

Тест синовлари натижалари салбий деб эътироф этилганда (30 баллдан кам тўплланган балл) даъвогар ёзма-офзаки имтиҳонни топширишга қўйилмайди.

18. Имтиҳон билети қўйидаги таълим йўналишлари бўйича 4 назарий савол ва амалий масалалардан иборат:

- а) актуар математика;
- б) статистика ва эҳтимоллар назарияси;
- в) суғурта иши ва таваккалчилик назарияси;
- г) инвестиция фаолияти ва молияни бошқариш.

Имтиҳон билети саволларининг ҳар бири бўйича жавоблар (масалаларни ечиш билан бирга) беш баллклизим бўйича баҳоланади.

Имтиҳон билети бўйича камида 15 балл олган даъвогарлар малака имтиҳонини муваффақиятли топширулмаган ҳисобланади.

19. Малака имтиҳони ўтказилаётган вақтда қонун ҳужжатлари ва йўриқномавий материаллардан, маълумотномалардан ва маҳсус адабиётлардан фойдаланиш, бошқа

даъвогарлар билан гаплашиш, шунингдек, алоқа восита-ларидан фойдаланиш ман қилинади. Ушбу талабларни бузган даъвогарлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонини топширулмаган деб ҳисобланади.

Малака имтиҳонида бегона шахслар ва кузатувчиларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди.

20. Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилгандан сўнг икки кундан кечиктирилмаган ҳолда эълон қилинади.

Малака имтиҳони натижалари имтиҳон комиссиясига баённомаси билан расмийлаштирилади ва малака имтиҳони ўтказилган санадан сўнг 3 кунлик муддат ичida Молия вазирлигига топширилади.

Имтиҳон комиссияси баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

имтиҳон комиссияси тарби;

малака имтиҳонининг биринчи босқичида иштирок этган даъвогарлар ва тўплаган баллари кўрсатилган рўйхати;

малака имтиҳонининг биринчи босқичига келмаган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонининг икkinchi босқичида иштирок этиш учун рухсат берилган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонининг икkinchi босқичида иштирок этган даъвогарлар ва тўплаган баллари кўрсатилган рўйхати;

малака имтиҳонининг икkinchi босқичига келмаган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонини муваффақиятли топширган даъвогарлар рўйхати;

малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогарлар рўйхати.

21. Малака имтиҳонини топшириш бўйича ёзма ишлар (тестлар, билетлар ва уларга жавоблар), шунингдек, имтиҳон комиссиясига баённомалари Молия вазирлигига белгиланган тартибда сақланади.

22. Малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогар малака сертификатини олиш учун йигимни тўлаш шарти билан, малака сертификатини олиш учун ҳужжатларни белгиланган тартибда қайта тақдим этишга ҳақлидир.

Малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогарларга йиғим қайтарилмайди.

## **VII. АПЕЛЛЯЦИЯЛАРНИ ҚУРИБ ЧИҚИШ**

23. Малака имтиҳони натижаларига кўра уларга нисбатан салбий қарор чиқарилган даъвогарлар малака имтиҳони натижалари эълон қилинган санадан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида Молия вазирлигига апелляция бериш хукуқига эгадир. Апелляция ёзма шаклда тақдим этилади.

24. Молия вазирлиги бир ҳафталик муддат ичida берилган апелляцияни қўриб чиқади ва апелляцияни қўриб чиқиши натижалари бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди:

имтиҳон комиссиясига баённомалари ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришини рад этиш;

имтиҳон комиссиясига баённомалари бекор қилиш ва малака имтиҳонини қайтадан топшириш тўғрисида.

25. Имтиҳон комиссиясига баённомалари ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришини рад этиш тўғрисидаги қарор қўйидаги холларда қабул қилинади:

апелляция мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

апелляцияда келтирилган важлар ўз тасдигини топмаса.

26. Имтиҳон комиссиясига баённомалари бекор қилиш ва қайта малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисидаги қарор малака имтиҳони мазкур Низом талаблари бузилган ҳолда ўтказилган тақдирда қабул қилинади.

27. Малака имтиҳонини қайтадан топшириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда Молия вазирлиги малака имтиҳонини топшира олмаган деб топилган даъ-

вогар учун қайта имтиҳон топшириш кунини белгилайди. Агар дастлаб малака имтиҳонини топшира олмаган деб топилган даъвогар қайтадан малака имтиҳонини топшириш натижалариға кўра малака имтиҳонини топширган деб эътироф этилса, унга умумий асосларда актуарий малака сертификати берилади.

28. Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

### **VIII. АКТУАРИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИ БЕРИШ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ, ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ДУБЛИКАТ БЕРИШ ТАРТИБИ**

29. Актуарий малака сертификати мазкур Низомнинг 4-иловасидаги шаклга мувофиқ сертификатининг маҳсус бланкида расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида юридик кучга эга бўлади.

Актуарий малака сертификати бланклари ҳисобга олиш серияси, рақами ва ҳимоя даражасига эга бўлган қатъий ҳисботдаги ҳужжатлар ҳисобланади ва Молия вазирлиги буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлатишлаб чиқариш бирлашмасида босма усуlda тайёрланади.

Актуарий малака сертификати 5 йил муддатга берилади.

Актуарий малака сертификатини бериш учун даъвогар томонидан тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари микдорида йигим тўланади.

30. Актуарий малака сертификати Молия вазирлиги томонидан имтиҳон комиссиясининг баённомалари тузиленган ва имзоланган санадан 10 кунлик муддат мобайнида расмийлаштирилади ва малака сертификатининг эгасига ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома асосида бошқа шахсга актуарийлар реестрига имзо чектириб берилади.

31. Агар даъвогар актуарий малака сертификати расмийлаштирилган санадан бошлаб уч ой мобайнида уни олиш учун узрсиз сабабларга кўра келмаса, Молия вазирлиги актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга ҳақидир.

32. Актуарий малака сертификатининг эгаси актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин ва олти ойдан илгари бўлмаган муддатда Молия вазирлигига сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

мазкур Низомнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ ариза;

мазкур Низомнинг 3-иловасидаги шаклга мувофиқ анкета;

нотариал тасдиқланган малака сертификатининг кўчирма нусхаси;

актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун тегишли йигим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

33. Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилган талабларга риоя қилинган ва актуарий малака сертификатининг эгаси томонидан малака имтиҳони муваффақиятли топширилган тақдирда амалга оширилади.

Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати даъвогар аризасида кўрсатилган ва 5 йилдан ошмаган муддатга узайтирилади. Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати актуарий малака сертификати бланкида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган санадан узайтирилади.

Актуарий малака сертификати муддатини узайтириш учун даъвогар томонидан тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари микдорида йигим тўланади.

34. Актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш, дастлаб берилган актуарий мала-

ка сертификати бланкига маҳсус белги қўйиш йўли билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Малака сертификати бланкининг амал қилиш муддатини узайтиришга тегишли бўлган реквизитлар тўлган тақдирда актуарий малака сертификатининг эгасига реестр бўйича дастлаб берилган тартиб рақам билан янги актуарий малака сертификати берилади. Даствлаб берилган актуарий малака сертификатининг бланки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

35. Фамилияси, исми, отасининг исми ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда актуарий малака сертификатининг эгаси дарҳол, аммо 3 кундан қечикмаган ҳолда, Молия вазирлигига қайта расмийлаштириладиган актуарий малака сертификатини ва тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларини, шунингдек малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун йигим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжатини илова қилган ҳолда актуарий малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисидаги аризани топшириши шарт.

36. Актуарий малака сертификатини қайта расмийлаштириш актуарий малака сертификати эгаси томонидан тегишли ариза топширилган санадан бошлаб 5 кун давомида амалга оширилади. Бунда дастлаб белгиланган амал қилиш муддати билан янги актуарий малака сертификати бланки берилади.

Дастлаб берилган актуарий малака сертификатининг бланки белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Актуарий малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун даъвогар томонидан тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари микдорида йигим тўланади.

37. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган актуарий малака сертификатининг ўрнига актуарий малака сертификати эгасининг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда йўқотилган актуарий малака сертификатининг эгаси матбуотда актуарий малака сертификатининг йўқолгани ҳақида эълон қилиши ва нашр нусхасини Молия вазирлигига тақдим қилиши шарт.

Яроқсиз ҳолга келган актуарий малака сертификати Молия вазирлигига қайтарилиши ва белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Актуарий малака сертификатининг дубликати реестр бўйича дастлабки тартиб рақами ва амал қилиш муддати ҳамда актуарий малака сертификатининг янги бланкида «Дубликат» ёзуви қўйилган ҳолда берилади.

Актуарий малака сертификати дубликатини бериш учун даъвогар томонидан тўлов кунидаги энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баравари микдорида йигим тўланади.

### **IX. АКТУАРИЙ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ТЎХТАТИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

38. Кўйидагилар актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлади;

актуарийнинг малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги аризаси;

актуар хизматларни кўрсатиш давомида актуарий томонидан олинган маълумотларни учинчи шахсларга актуар хизматлари буюртмачисининг рухсатисиз тақдим этиш фактининг аниқланиши, қонун ҳужжатларида на зарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

актуар хизматларни кўрсатишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам равишда бузиш;

актуарий малака сертификатининг амал қилиш муддати мобайнида уч йил давомида актуар хизматларни кўрсатмаслик;

актуарий малака сертификатини бошқа шахсга ўзномидан актуар хизматларни кўрсатиш учун ушбу ҳужжатдан фойдаланиши мақсадида бериш фактининг аниқланиши;

молия-хўжалик муносабатлари соҳасида муайян лаво-

зимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланыш хукуқидан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони на- зарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

Фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори.

39. Актуарий малака сертификати қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

Молия вазирлигининг актуарий малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарори ноқонуний бўлганда;

қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда сертифи- катни олиш факти аниқланганда;

қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа ҳолларда.

40. Актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиши ёки уни бекор қилиш учун асослар аниқланган тақдирда Молия вазирлиги тегишли қарор қабул қиласди ва уни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди.

41. Молия вазирлигининг актуарий малака сертифи- катининг амал қилишини тўхтатиши ёки бекор қилиш тўғри- сидаги қарори 5 кунлик муддат ичда актуарий малака сертификатининг эгасига ва у актуар хизматларни амал- га оширадиган актуарий ташкилотига юборилади.

Актуарий томонидан актуарий малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиши ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор олинган кундан бошлаб 10 кун давомида сертификат белгиланган тартибда йўқ қилиниши учун Молия вазирлигига қайтарилиши керак.

42. Малака сертификатларининг амал қилиши йўл кўйилган хатолари учун бекор қилинган ёки тўхтатилган актуарийлар унинг амал қилиши бекор қилинган ёки тўхтатилган пайтдан бошлаб уч йил мобайнида актуарий малака сертификатини қайта олиш учун малака имтиҳон- ларини топширишга кўйилмайдилар.

## X. МАЛАКА СЕРТИФИКАТИГА ЭГА БЎЛГАН АКТУАРИЙЛАР РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ

43. Молия вазирлиги малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади ва унда қўйида- гилар кўрсатилади:

актуарий малака сертификатини олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, олган санаси ва имзо- си;

паспорт маълумотлари ва яшаш жойи;

актуарий малака сертификатининг рақами, берилиш

санаси;

актуарий малака сертификатининг амал қилиш мудда- тини узайтириш, амал қилишини тўхтатиши, бекор қилиш, қайта расмийлаштириш ва дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар.

44. Актуарийлар реестридан актуарий малака серти- фикатининг рақами, берилиш санаси, қайта расмийлаштирилиши, амал қилиш муддатининг узайтирилиши ва амал қилиши тўхтатилиши, шунингдек, актуарий малака сертификатининг бекор қилиниши ва дубликатининг бе- рилиши тўғрисидаги маълумотлар кўчирмалар кўринишида манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга тақ- дим этилиши мумкин.

45. Актуарийлар реестридан битта актуарийга оид ах- борот тақдим этиш учун тўлов кунидаги энг кам иш ҳақининг 0,5 баравари миқдорида ҳақ тўланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига актуарий- лар реестридан маълумот беруп тақдим этилади.

46. Реестрдан маълумот тақдим этилганлиги учун ҳақ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маҳсус ҳисобракамига кирим қилинади.

47. Реестрдан маълумотлар тақдим этиш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб (маълумотларни тақдим этиш учун ҳақ тўлангани тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилган ҳолда) уч кундан ошмаслиги лозим.

## XI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

48. Молия вазирлигининг актуарий малака сертифи- катини бериш, амал қилишини тўхтатиши ва бекор қилиш масалалари бўйича қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

49. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айборд бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

50. Мазкур Низом Ўзбекистон суғурта бозори про- фессионал иштирокчилари ассоциацияси билан кели- шилган.

**Ўзбекистон суғурта бозори  
профессионал иштирокчилари  
ассоциацияси бош директори  
М.МИРСОДИҚОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 4 сентябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 йил 27 ОКТЯБРДАН 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 авгу- стидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2007 йил 26 октябрдаги M-42, 97-сонли қарори.

**2007 йил 29 октябрда 1699-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 ноябрдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва эксперимен- тал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоида- ларини тасдиқлаш тўғрисида (ЎзР АҚ-160)»ги Ўзбекис- тон Республикаси Парвозлар хавфизлигини назорат

қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сонли бўйруғи.

**2007 йил 29 октябрда 1734-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 8 ноябрдан кучга киради).**

3. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг 2007 йил 22 октябрдаги 96, 2007-60-сонли қарори.

**2007 йил 30 октябрда 1238-7-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 ноябрдан кучга киради).**

4. «Биржа савдоларида мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминийни сотиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 24 сентябрдаги 34, 86-сонли қарори.

**2007 йил 30 октябрда 1735-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 9 ноябрдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 октябрдаги ПФ-3931-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 5 ноябрдаги М-43, 99-сонли қарори.

**2007 йил 6 ноябрда 1736-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).**

6. «Ишлаб чиқариш кувватларининг йиллик ҳисобот балансларини тузиш бўйича кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 13-сонли қарори.

**2007 йил 6 ноябрда 790-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).**

7. «Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича йиғма ҳисоботларни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома»ни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 16-сонли қарори.

**2007 йил 6 ноябрда 928-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).**

8. «2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисоботни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Кишлөк ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахта-

саноат» уюшмаси, «Сифат» пахта толасини сертификатлаш марказининг 2007 йил 29 октябрдаги 17, 3/12, 14/2617, 09/1-755-сонли қарори.

**2007 йил 6 ноябрда 1081-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).**

9. «1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисботини тузиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 6-сонли қарори.

**2007 йил 6 ноябрда 1119-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).**

10. «Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисботни тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раисининг 2007 йил 29 октябрдаги 3-сонли қарори.

**2007 йил 6 ноябрда 1195-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 16 ноябрдан кучга киради).**

11. «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва «Микрокредитбанк» кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2007 йил 12 октябрдаги 273-В-2, 94-сонли қарори.

**2007 йил 8 ноябрда 1548-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 ноябрдан кучга киради).**

12. «Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турған шахсларни сақлашнинг санитария-гигиена қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 8 октябрдаги 12, 16-сонли қарори.

**2007 йил 8 ноябрда 1737-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 ноябрдан кучга киради).**

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Кимошли савдоларида тозаланган мис, металл рух ва иккиласми алюминийни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Олмалиқ КМК» ОАЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ва «ЎзРТХАБ» ОАЖ томонидан тасдиқланган. (рўйхат рақами 1367, 04.06.2004 й.).

**Адлия вазирининг 2007 йил 30 октябрдаги 210-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ишлаб чиқариш кувватларининг ҳисбет балансларини тузиш бўйича кўрсатмалар. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 790, 1999 йил 3 августан).

**Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 212-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Кимё-фармацевтика маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича йиғма ҳисбетларни тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 928, 2000 йил 22 май).

**Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 213-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. 2-пахта (йиллик, мавсумий) ва 50-тп (мавсумий) пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ҳисбетни тўлдириш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1081, 2001 йил 10 ноябрь).

**Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 214-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

5. 1-(кичик бизнес) шакли бўйича микрофирма ва кичик корхона ҳисбетини тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1119, 2002 йил 28 март).

**Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 215-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

6. Молиявий натижалар ва ўзаро ҳисбет-китоблар ҳолати тўғрисида ҳисбетни тузиш бўйича йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1195, 2002 йил 19 декабрь).

**Адлия вазирининг 2007 йил 6 ноябрдаги 216-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

